

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СЕВИНОВ ЖАСУР УСМОНОВИЧ

**ИДЕНТИФИКАЦИОН ЁНДАШУВ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА
ТЕХНОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ
СИСТЕМАЛАРИНИ СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни
автоматлаштириш ва бошқариш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Севинов Жасур Усмонович

Идентификацион ёндашув мезонлари асосида технологик объектларни
 адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмлари3

Севинов Жасур Усмонович

Методы и алгоритмы синтеза адаптивных систем управления
 технологическими объектами на основе концепций идентификационного
 подхода29

Sevinov Jasur Usmonovich

Methods and algorithms of synthesis of adaptive control systems of technological
 objects on the basis of the concepts of the identification approach55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СЕВИНОВ ЖАСУР УСМОНОВИЧ

**ИДЕНТИФИКАЦИОН ЁНДАШУВ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА
ТЕХНОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ
СИСТЕМАЛАРИНИ СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни
автоматлаштириш ва бошқариш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/T141 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Игамбердиев Хусан Закирович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Марахимов Авазжон Рахимович
техника фанлари доктори, профессор

Назаров Улугбек Султанович
техника фанлари доктори, профессор

Абдукадыров Абдузариф Абдурауфович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«Ximavtomatika» МЧЖ

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Н.Р.Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор, академик

Ш.М.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.М.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш соҳасида технологик объектларнинг турли вазифаларга мўлжалланган адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада берк бошқариш контуридаги динамик объектларнинг параметрларини адаптив идентификациялашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан динамик объектларни идентификациялаш ва бошқаришнинг хилма-хил усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Россия, Германия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда технологик жараёнларни идентификациялаш, динамик баҳолаш, адаптив бошқаришнинг назарий масалаларини ечиш ва уларни саноатнинг турли тармоқларида амалий тадқиқ этишга катта аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда динамик объектларни адаптив бошқариш масалаларини ечишга йўналтирилган берк системалардаги объектларни идентификациялашга универсал ёндашувни яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан динамик объектларни бошқаришнинг адаптив системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини идентификацион ёндашув мезонлари асосида такомиллаштириш ва уларни модификациялаш, берк бошқариш системасидаги объект ва бошқариш қурилмаларининг параметрларини турғун баҳолаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга параметрлари номаълум ва ўлчанмайдиган ғалаёнли динамик объектни адаптив барқарорлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш зарур ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизда автоматлаштириш ва бошқариш йўналишига, хусусан, турли технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи, такомиллашган бошқариш системаларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодийётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодийёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодийёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, идентификацион ёндашув мезонлари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга имкон берувчи тесқари алоқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

контурида идентификатори бўлган адаптив бошқариш системаларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазиригини ташкил этиш тўғрисидаги» Фармонлари, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг реал секторига янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Техник ва технологик объектларни адаптив бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан «Honeywell», SIMSCI-Simulation ва University of California, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), «Siemens» ва Technical University Munich, Karlsruhe Institute of Technology, Technical University Darmstadt (Германия), Imperial College London, The University of Edinburgh (Буюк Британия), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), The University of Tokyo, Tokyo Institute of Technology (Япония), Seoul National University, Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), «Alstom» (Франция), «Simatek-Energo» (Беларуссия), Автоматлаштириш институти (Хитой), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институтиларида (Россия Федерацияси) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Динамик объектларни бошқаришнинг адаптив системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш, уларни бошқариш системаларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: адаптив параметрик идентификациялаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқилган (University of California, Massachusetts Institute of Technology, George Mason

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://elibrary.ru>,
<http://ieeexplore.ieee.org/document/824819>, <http://www.mathnet.ru/rus/agreement>, www.asucontrol.ru,
www.sial.iias.spb.su, <http://www.ipu.ru>, <http://cyberleninka.ru>, <http://izv-ti.ti.sfedu.ru/?p=21073>,
https://nl.wikipedia.org/wiki/Pieter_Eykhoff, https://books.google.ru/books/about/Optimum_systems_control.html,
https://books.google.ru/books/about/System_identification.html, <http://terraelectronica.ru>, http://uk.farnell.com/static/findings/DF10/findings10_aducs.htm ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

University, AҚШ; Linksping University, Швеция; Россия Фанлар Академияси (РФА) Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси); параметрик ва структуравий идентификациялаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, AҚШ; Linksping University, Швеция; Technische Universiteit Eindhoven, Нидерландия; РФА Бошқариш муаммолари институти, Н.Б.Жуковский номидаги Харбий-хаво мухандислари академияси, Россия Федерацияси); баҳолаш назарияси асосида идентификациялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган (George Mason University, AҚШ; РФА Бошқариш муаммолари институти, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Россия Федерацияси); динамик системаларнинг параметрлари ва вектор ҳолатларини умумлашган баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган (РФА Бошқариш муаммолари институти, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Россия Федерацияси); вақт қаторлари ва фазо ҳолати усуллари асосида идентификациялаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, AҚШ; Linksping University, Швеция; РФА Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси); тескари алоқа контурида идентификаторли адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ишлаб чиқилган (Linksping University, Швеция; РФА Бошқариш муаммолари институти, Россия Федерацияси).

Дунёда динамик объектларнинг адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: талаб этилган рoстлаш аниқлиги ва сифатини таъминловчи мураккаб динамик системаларнинг идентификациялаш, баҳолаш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш; ички ва ташқи ғалаён таъсирларига боглиқ бўлмаган адаптив ва робастли бошқариш системаларини ишлаб чиқиш; берк бошқариш контурида динамик объектларни адаптив идентификациялаш ва бошқаришнинг тургун усулларини ишлаб чиқиш; рoстлагичларни алмаштириш ва халақитлар таъсири «чегараси»да мослашиш алгоритмларини ажратиш функцияларини синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш; турли халақит сигналли шароитлар учун кальман типидagi динамик филтьрлар ва мунтазамлаштирилган ҳолат кузатувчиларини қуриш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Идентификацион ёндашув асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларга тегишли бўлган, сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Адаптив бошқариш системаларини синтезлаш муаммоларига бағишланган кўп сондаги ишлар нашр этилган, умумназарий мезонлар ишлаб чиқилган, ечилган амалий масалалар сони ортиб бормоқда. Адаптив бошқариш системаларининг ривожига кўплаб хорижлик олимлари, жумладан Astrom K.J., Brayson A., Eukhoff P., Izerman R., Kalman R., Kashyap P.L., Ljung L., Melsa J., Rao A.R., Sage E., Simon D., Андреевский Б.Р., Антонов В.Н., Балонин Н.А., Буков В.Н., Бунич А.Л.,

Ворчик Б.Г., Жиров М.В., Земляков С.Д., Зыбин Е.Ю., Карабутов Н.Н., Коган М.М., Красовский А.А., Ломов А.А., Мирошник И.В., Мышляев Л.П., Неймарк Ю.И., Никифоров В.О., Петров Б.Н., Поляк Б.Т., Райбман Н.С., Рубан А.И., Рутковский В.Ю., Семенов А.Д., Сысоев Л.П., Фомин В.Н., Фрадков А.Л., Цыпкин Я.З., Штейнберг Ш.Е., Ядыкин И.Б., Якубович В.А. ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан Абдукадиров А.А., Азимов Б.М., Бекмуратов Т.Ф., Гулямов Ш.М., Жуманов И.И., Зарипов О.О., Игамбердиев Х.З., Исмаилов М.А., Кадыров А.А., Камалов Н.З., Камиллов М.М., Марахимов А.Р., Нурмухамедов Т.Р., Рахматуллаев М.А., Сиддиқов И.Х., Фозилов Ш.Х., Юсупбеков Н.Р. ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшишган.

Бирок илмий-тадқиқот объектлари доирасининг кенгайиши ва доимий мураккаблашуви ноаниқлик шароитида адаптив идентификациялаш, ҳолатларни баҳолаш ва бошқаришнинг янги самарали усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу билан биргаликда, берк бошқариш системалари синфида идентификациялаш ва бошқаришнинг мунтазам усуллари ва алгоритмлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, идентификацион ёндашув асосида адаптив бошқаришнинг мунтазам усуллари ўз ривожини талаб этмоқда. Бундан ташқари берк бошқариш системасида объект ва ростлагич параметрларини идентификациялашнинг мунтазам усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, жумладан локал-оптимал ва субоптимал адаптив бошқариш системаларида бошқарувчи таъсирларни шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, ноаниқлик шароитидаги динамик объектларни бошқаришнинг адаптив системаларини қуриш ва амалга оширишнинг алгоритмик амаллари спектрини кенгайтиради ва системаларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Юқорида келтириб ўтилганлардан идентификацион ёндашув мезонлари асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг самарали мунтазам усуллари ва алгоритмларини яратиш ва келгусида такомиллаштиришнинг жуда зарурлиги келиб чиқади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №ОТ-Ф1-080-«Мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни бошқаришнинг интеллектуал системаларини қуришнинг концепциялари ва тамойилларини ишлаб чиқиш» (2007-2011); №ЁФ-4-06-«Созланувчи модели адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг мунтазам усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2012-2013); №А-5-42-«Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллаштиришнинг дастурий инструментал воситаси» (2015-2017); №ОТ-Ф4-78-«Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади идентификацион ёндашув мезонлари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

идентификацион ёндашув мезонлари асосида динамик объектларни бошқаришнинг адаптив системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларининг ривожланишини тизимли таҳлил қилиш;

динамик бошқариш объектларини турғун адаптив параметрик идентификациялаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг турғун усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

берк бошқариш контурида динамик объектлар ва бошқариш қурилмалари параметрларини адаптив идентификациялашнинг турғун усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

динамик объектларни бошқаришнинг локал-оптималь адаптив системаларида бошқариш таъсирларини шакллантиришнинг турғун усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

аниқ технологик объектларни бошқаришнинг адаптив системаларини синтезлаш масалаларини ечишда объект ва бошқариш қурилмалари параметрларини турғун идентификациялаш ва уларнинг алгоритмлари ва ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тескари алоқа контурида идентификатори бўлган адаптив бошқариш системалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети берк бошқариш системаларидаги объектлар ва ростлагичларнинг параметрларини мунтазам адаптив идентификациялаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, идентификациялаш, динамик баҳолаш, адаптив бошқариш ва нокоррект қуйилган масалаларни ечишнинг умумий услубиятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мувофиқлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазамлаштириш параметрининг оптимал қийматини ошқора танлаш имконини берувчи турли моделли структуралар учун идентификациялаш тенгламасининг бошланғич маълумотлари топшириқлари хатоликларининг баҳолари олинган;

кальман типидagi мунтазамлашган фильтр асосида дисперсиялар минимумлиги мезони бўйича динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг турғун субоптималь алгоритмлари ишлаб чиқилган;

соддалашган мунтазамлаштиришнинг ретроспектив ва итерацияли вариантлари асосида динамик объектларни субоптималь адаптив-локал бошқаришнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

сингуляр ёйишга асосланган мунтазамлаштириш ва псевдомурожаат усуллари асосида динамик бошқариш объектларини идентификациялашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

тўпламли моделлар ва уларнинг параметрларини гаусс тақсимотининг чекли йиғиндисидики ўринишидаги силликлантиришдан фойдаланиш асосида мослаштириш ёрдамида рекуррент идентификациялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ортогонал бўлмаган факторизациялаш ва ёмон шартланган ёки хос квадрат матрицаларни псевдотескари тартибда ёзиш асосида динамик объектларни локал-оптималь адаптив бошқариш системаларида бошқариш таъсирларини шакллантиришнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

вариацион тенгсизликлар усулидан фойдаланиб, итератив мунтазамлаштириш тамойили асосида берк бошқариш системасида объект ва ростлагич параметрларини идентификациялашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

динамик системаларни идентификациялаш ва адаптив бошқариш масалаларини ечишни дастурий-алгоритмик қўллаб-қувватлашга мўлжалланган дастурий модуллардан тузилган IARE (Identification, Adaptation, Regularization, Estimation) дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган;

саноат тажрибаси натижалари асосида меъёрий иш шароитида калий хлоридни қуритиш жараёнининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда калий хлоридни қуритишнинг технологик жараёнини адаптив бошқариш ҳамда автоматлаштиришнинг структуравий ва функционал схемалари ишлаб чиқилган;

жараёнлар юз беришининг технологик режимларини барқарорлаштириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берувчи техник таъминотга мувофиқ ҳолда калий хлоридни қуритишнинг технологик жараёнини бошқариш системаси ишлаб чиқилган;

техник таъминотга мос келувчи буферли танкерда босимни автоматик ростловчи система ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқаришнинг назарий асосланган мезонларини қўлланилиши, замонавий автоматик бошқаришнинг амалий синовдан ўтган усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошқариш жараёнлари сифатини оширишга имкон берувчи тескари алоқа контурида идентификаторли динамик объектларни адаптив бошқаришнинг конструктив турғун усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти берк бошқариш контурида кенг синфдаги технологик объектларни адаптив бошқаришнинг турли масалаларини математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқиш ва технологик жараёнларини автоматлаштиришнинг ишлаб чиқилган функционал схемалари узлуксиз характерли ишлаб чиқаришнинг технологик

жараёнларини бошқаришнинг адаптив системалари функционал структураларини қуриш ва лойиҳалашни автоматлаштиришда кенг қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Идентификацион ёндашув мезонлари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини қуриш бўйича ишда олинган илмий натижалар асосида:

адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг ишлаб чиқилган усуллари ва мезонлари, берк бошқариш системасида объект ва ростлагич параметрларини идентификациялашнинг мунтазам алгоритмлари, динамик объектларни субоптимал адаптив-локал бошқариш системаси «Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» УҚда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2018 йил 20 февралдаги 01-736/А-сон маълумотномаси). Натижада калий ўғитини ишлаб чиқаришдаги калий хлоридни қуришиш жараёнидаги технологик режимларини барқарорлаштириш ва унинг ишлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

динамик системаларни идентификациялаш ва адаптив бошқариш масалаларини ечишни дастурий-алгоритмик қўллаб-қувватлашга мўлжалланган дастурий модуллардан тузилган IARE (Identification, Adaptation, Regularization, Estimation) дастурий мажмуаси «Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» УҚда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2018 йил 20 февралдаги 01-736/А-сон маълумотномаси). Натижада калий хлоридни қуришиш технологик жараёнини идентификациялаш ва бошқаришнинг дастурий-алгоритмик таъминоти амалга оширилган ва бу қуришиш жихозини ишлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

автоматик ростлаш системасининг ишлаб чиқилган синтезлаш алгоритмлари буферли танкернинг босимини стабиллаш учун «MIR-TRADE GROUP» МЧЖда жорий қилинган («ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг 2018 йил 20 февралдаги 01-736/А-сон маълумотномаси). Натижада буферли танкерда босимни ростлаш жараёнининг сифат кўрсаткичларини ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 17 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, шулардан – 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилиб, ЭҶМ лар учун дастурий маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган 10 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Динамик объектларни бошқаришнинг адаптив системаларини қуриш ва синтезлаш усуллари ривожланишини тизимли таҳлили» деб номланган биринчи бобида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш ва қуриш усуллари ривожини тизимли таҳлили натижалари, динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини қуришга идентификацион ёндашувни шакллантириш, динамик объектларни идентификациялаш ва адаптив бошқариш масалаларидаги муаммоли вазиятларни таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифаларини қўйилиши келтирилган. Ҳозирги вақтда техник тараққий этиш билан боғлиқ ҳолда бошқариш объектлари, ишлаб чиқиладиган ва лойihalанаётган бошқариш системаларининг мураккаблашуви сезиларли ортишига сабаб бўлмоқда. Ноаниқлик шароитларда бошқариш масалаларини ечиш учун системаларнинг ишочлилигини оширишга, шунингдек лойihalашда технологик талабларни камайтиришга имкон берувчи адаптив ва робастли ёндашувлар асосидаги бошқариш системаси мавжуд бўлиши керак. Идентификациялаш ва бошқариш масалаларини ечиш тегишли алгоритмларнинг турғунлик муаммолари билан боғлиқ. Бундай шароитларда идентификациялаш ва бошқаришнинг маълум усуллари кўпинча нотурғун ва ишга ярамайдиган бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда шундай фикрга келиндики, объектнинг модели қаторида ўхшаш объектлар ҳақида тўпланган билимлар ва ҳар хил қўшимча маълумотларга асосланган, объектнинг модели билан боғланган модель ҳам туриши керак. Идентификациялаш ва адаптив бошқариш масаласи тескари масалаларнинг алоҳида синфи бўлиб, уларда оператор тенгламанинг ечимини, гарчи маълум бўлса-да, қидиришдан кўра операторнинг ўзи – структураси ва параметрлари кидирилади. Ўрганиладиган системанинг аниқ таърифини ўзида кафолатли сақлаган моделлар тўпламини ёзиб чиқишга ҳамма вақт ҳам эришилмайди. Нокорректлик омили яхши маълум, лекин у юзага келадиган шароитларни аниқлаш ва мувофиқлашган ечимларни қуриш усуллари тадқиқотлар учун, айниқса, маълумотларнинг чекланганлиги аниқ шароитларида долзарб бўлиб қолаверади. Нокорректлик бундай синф масалаларининг асосий хусусияти бўлганлиги учун у идентификациялаш ва бошқариш масалаларини қайси усул билан ечилишидан қатъий назар юзага келаверади. Таъкидлаш мумкинки, адаптив бошқариш контурида объектни идентификациялаш ва бошқариш мақсадига

хизмат қиладиган воситалар бир-бирига зид бўлади. Агар идентификациялашнинг мақсади объектнинг хусусиятлари, яъни объектнинг бошқарувчи таъсирларга кўрсатадиган ўзига хос реакциялари қандай ривожланишига қараб аниқлаш мумкинлигини ўрганишдан иборат бўлса, бошқаришнинг мақсади, аксинча — турли объектлардаги фарқларни йўқотишдан, объектларга ўтиш жараёнларини мажбурлаб ўз хусусиятлари зарарига юргизишдан иборат.

Юзага келган ҳолат идентификацион ёндашув мезонлари асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш муаммоларига янгича ёндашувларни ривожлантиришни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бошқариш объектлари динамикасининг тескари масалалари концепцияси ва мунтазам усулларни жалб этишга асосланган адаптив системаларни синтезлаш масалаларини тизимли изчиллик услубияти муваффақиятли кўринади. Кўриб ўтилган ҳолатлар идентификацион ёндашув мезонлари асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини яратиш, уларни саноат ишлаб чиқаришнинг муайян технологик жараёнларини автоматлаштириш ва бошқариш масалаларини ечишда амалга оширувчи ҳисоблаш схемаларини синтезлашнинг зарурийлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Динамик бошқариш объектларини турғун параметрик идентификациялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида чизикли бошқариш объектларини параметрик баҳолаш алгоритмлари, берилган дастлабки маълумотларнинг хатолик баҳоларини ишлаб чиқишга, динамик бошқариш объектлари параметрларини адаптив баҳолаш алгоритмларининг мувофиқлигини таҳлил қилишга бағишланган.

Айирмалли чизикли тенглама билан ифодаланган динамик системани кўриб чиқамиз:

$$y(t) = \sum_{j=1}^p A_j y(t-j) + \sum_{j=1}^q B_j u(t-j) + v(t), \quad t=1, 2, \dots, N, \quad (1)$$

ёки

$$y(t) = A_1 y(t-1) + \dots + A_p y(t-p) + B_1 u(t-1) + \dots + B_q u(t-q) + v(t),$$

бунда: кириш сигнали $u(t)$ — m ўлчамли вектор, чиқиш сигнали $y(t)$ эса — l ўлчамли вектор, A_i — $(l \times l)$ ўлчамли матрица, B_i — $(l \times m)$ ўлчамли матрица, $v(t)$ — ғалаён.

$A_1, \dots, A_p; B_1, \dots, B_q$ матрицаларнинг элементларини аниқлаш учун (1) тенгламани параметрлаш зарур. Бунинг бир йўли — матрицанинг ҳамма элементларини (хаммасининг сони — $(pl+qm) \times l$) (1) дан θ векторга киритишдан иборат. Шунда $((pl+qm) \times l)$ матрицани

$$\theta = [A_1, A_2, \dots, A_p, B_1, \dots, B_q]^T$$

ва $(pl+qm)$ ўлчамли вектор-устунни

$$\varphi(t) = [y^T(t-1) \mid \dots \mid y^T(t-p) \mid u^T(t-1) \mid \dots \mid u^T(t-q)]^T,$$

аниқлаш ва (1) ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y(t) = \theta^T \varphi(t) + v(t), \quad (2)$$

бунда $v(t)$ – ўлчашлар халақитлари.

Параметрлашнинг бошқа варианты d ўлчамли вектор-устун θ ва $(l \times d)$ ўлчамли матрица $\varphi^T(t)$ ни шундай шакллантиришдан иборат-ки, (1) ни куйидагича ёзиш мумкин бўлсин:

$$y(t) = \varphi^T(t)\theta + v(t). \quad (3)$$

(2) ва (3) тенгламалар ечимлари баҳосини мос равишда куйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} \hat{\theta}_N &= \left[\frac{1}{N} \sum_{t=1}^N \varphi(t)\varphi^T(t) + \alpha I \right]^{-1} \frac{1}{N} \sum_{t=1}^N \varphi(t)y^T(t), \\ \hat{\theta}_N &= \left[\frac{1}{N} \sum_{t=1}^N \varphi(t)\Lambda^{-1}\varphi^T(t) + \alpha I \right]^{-1} \frac{1}{N} \sum_{t=1}^N \varphi(t)\Lambda^{-1}y(t), \end{aligned}$$

бунда Λ – вазн матрицаси, $\alpha > 0$ – мунтазамлаштириш параметри, I – бирлик матрица; бу ерда мунтазамлаштириш параметри α ни квазиоптималлик усули асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

θ баҳоларни ҳисоблаб топиш учун динамик филтрлаш усулига асосланган ёндашув ҳам жуда самарали ҳисобланади. Бунинг учун регрессиянинг чизикли модели (3) ни куйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\theta(t+1) = \theta(t) + w(t), \quad y(t) = \varphi^T(t)\theta(t) + v(t), \quad (4)$$

бунда

$$E[w(t)w^T(j)] = Q(t)\delta(tj), \quad E[v(t)v^T(j)] = R(t)\delta(tj).$$

(4) га нисбатан Кальманнинг адаптив филтрини қўллаб, куйидагиларни ҳосил қиламиз:

$$\hat{\theta}(t|t-1) = \hat{\theta}(t-1|t-1), \quad (5)$$

$$\hat{\theta}(t|t) = \hat{\theta}(t|t-1) + K(t)[y(t) - \varphi^T(t)\hat{\theta}(t|t-1)], \quad (6)$$

$$K(t) = P(t|t-1)\varphi(t)G_\alpha(D(t)), \quad (7)$$

$$P(t|t-1) = K(t-1)M\left\{v(t)v^T(t)\right\}K^T(t-1) + P(t-1), \quad (8)$$

$$P(t) = P(t|t-1) - P(t|t-1)\varphi(t)G_\alpha(D(t))\varphi^T(t)P(t|t-1), \quad (9)$$

бунда $G_\alpha(D(t)) = [D(t) + \alpha I]^{-1}$, $D(t) = \varphi^T(t)P(t|t-1)\varphi(t)$ – мунтазамлаштириш усули учун функцияларни ишлаб чиқариш системаси.

(5)–(9) муносабатларни амалга оширишда мунтазамлаштириш параметри α ни, шунингдек, моделли мисоллар усули асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Нокоррект масалаларни ечишда мунтазамлаштириш параметри α ни тўғри аниқлаш учун операторнинг хатолик даражаси ва ўнг қисмини баҳолаш керак. Ушбу мақсадда (3) моделли структуранинг матрицали оператори $\varphi^T(t)$, параметрлари вектори θ ва ўнг қисми $y(t)$ ни куйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$\varphi^T(t) = [y(t-1) \otimes I, | y(t-2) \otimes I, | \dots | y(t-p) \otimes I, | u(t-1) \otimes I, | u(t-2) \otimes I, | \dots | u(t-q) \otimes I],$$

бунда

$$y(t-i) \otimes I_i = [y_1^i(t-i) \ ; \ y_2^i(t-i) \ ; \ \dots \ ; \ y_p^i(t-i)], \quad \forall i = 1, 2, \dots, p,$$

$$y_i^j(t-i) = \begin{bmatrix} y_i(t-i) & 0 & \dots & 0 \\ 0 & y_i(t-i) & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & y_i(t-i) \end{bmatrix}, \dots, y_i^j(t-i) = \begin{bmatrix} y_i(t-i) & 0 & \dots & 0 \\ 0 & y_i(t-i) & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & y_i(t-i) \end{bmatrix},$$

$$u(t-j) \otimes I_r = [u_1^j(t-j) \mid u_2^j(t-j) \mid \dots \mid u_m^j(t-j)], \forall j=1,2,\dots,q,$$

$$u_i^j(t-j) = \begin{bmatrix} u_i(t-j) & 0 & \dots & 0 \\ 0 & u_i(t-j) & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & u_i(t-j) \end{bmatrix}, \dots, u_i^j(t-j) = \begin{bmatrix} u_i(t-j) & 0 & \dots & 0 \\ 0 & u_i(t-j) & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & u_i(t-j) \end{bmatrix};$$

$$\theta = [a \mid b]^T,$$

бунда

$$a = [a_{11}^1 \dots a_{1n}^1 \ a_{12}^1 \dots a_{12}^1 \dots a_{1l}^1 \dots a_{1l}^1 \dots a_{11}^p \dots a_{1n}^p \dots a_{12}^p \dots a_{12}^p \dots a_{1l}^p \dots a_{1l}^p],$$

$$b = [b_{11}^1 \dots b_{1n}^1 \ b_{12}^1 \dots b_{12}^1 \dots b_{1m}^1 \dots b_{1m}^1 \dots b_{11}^q \dots b_{1n}^q \ b_{12}^q \dots b_{12}^q \dots b_{1m}^q \dots b_{1m}^q];$$

$$y(t) = [y_1(t) \mid y_2(t) \mid \dots \mid y_l(t)]^T.$$

$$h = \left\{ I^2 \left(\sum_{i=1}^l \delta_{y_i}^2(t) + \sum_{j=1}^m \delta_{u_j}^2(t) \right) \right\}^{1/2}, \quad \sigma = \left\{ I \sum_{i=1}^l \delta_{y_i}^2(t) \right\}^{1/2},$$

бу ерда $\delta_{y_i}^2(t)$ ва $\delta_{u_j}^2(t)$ – кириш ва чиқиш ўзгарувчилари векторлари $u_j(t), j=1,2,\dots,m$ ва $y_i(t), i=1,2,\dots,l$ нинг тегишли дисперциялари хатоликлари.

Бошқа модели структуралар учун ҳам шу каби баҳолар олинган. Модели структураларнинг бошланғич маълумотларини топшириклари хатоликларини баҳолаш учун олинган ифодалар бевосита ҳисоблаш ишларини бажарилмай туриб, изланаётган ечим хатосини баҳолаш имконини беради.

Динамик бошқариш объектларининг параметрларини адаптив баҳолаш алгоритмлари самарадорлигини баҳолаш учун уларнинг мувофиқлигини таҳлил қилиш керак. Тасодифий ғалаёнлар мавжудлигида Кальман фильтри асосида оптимал стохастик оғохлантиргич қўллаш мақсадга мувофиқдир. Оғохлантиргичнинг кириш-чиқиш бўйича ҳаракати қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$A(q^{-1})y(t) = B(q^{-1})u(t) + C(q^{-1})w(t),$$

бунда $\{w(t)\}$ оқ шовқиннинг инновацияли кетма-кетлиги, $C(q^{-1})$ эса барқарор Кальман фильтрининг махражидаги кўпхадди бўлиб, у қуйидаги шартни қаноатлантиради:

$$|C(z^{-1})| \neq 0 \text{ при } |z| \geq 1,$$

(z – ўзгарувчи, Z – ўзгартиришлар).

Градиентли схемага нисбатан параметрлар ва ҳолатларни баҳолаш қуйидаги алгоритм ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

$$\hat{\theta}(t) = \hat{\theta}(t-1) + \frac{\phi(t-1)}{r(t-1)} [y(t) - \phi(t-1)^T \hat{\theta}(t-1)],$$

бунда

$$r(t-1) = r(t-2) + \phi(t-1)^T \phi(t-1), \quad \hat{\theta}(t) = [\hat{a}_1, \dots, \hat{a}_n, \hat{b}_1, \dots, \hat{b}_m, \hat{c}_1, \dots, \hat{c}_n],$$

$$\phi(t-1)^T = [-y(t-1), \dots, -y(t-n), \dots, u(t-d-m), e(t-1), \dots, e(t-n)],$$

$$e(t) = y(t) - \phi(t-1)^T \hat{\theta}(t-1).$$

Бунда $e(t)$ ни огохлантириш хатоси $\hat{\theta}(t) = \hat{\theta}(t-1) - \theta_0$ параметрларнинг баҳолаш хатоси билан қуйидаги нисбат орқали боғланган:

$$C(q^{-1})e(t) = -\phi(t-1)^T \tilde{\theta}(t-1).$$

Олинган ифодалар Кальман филтри базасидаги оптимал стохастик огохлантиргичдан фойдаланиб, градиентли схемалар асосида динамик объектларни алоҳида ва биргаликда адаптив баҳолаш ва бошқариш алгоритмларининг мувофиқлигини баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг «Динамик объектларни адаптив бошқаришнинг тургун алгоритмларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда адаптив бошқаришнинг тургун алгоритмларини ишлаб чиқиш, ростлагич параметрларини баҳолаш, динамик объектларни адаптив бошқариш жараёнларини дисперсиянинг минимумлиги мезони бўйича синтезлаш, башоратловчи моделлар асосида динамик объектларни субоптимал адаптив-локал бошқариш, адаптив баҳолаш ва бошқариш алгоритмларини синтезлаш натижалари келтирилган.

Қуйидаги модель билан ифодаланган чизикли системани кўриб чиқамиз:

$$A(q^{-1})y(t) = B(q^{-1})u(t) + \xi(t), \quad (10)$$

бунда $A(q^{-1}) = I - \sum_{j=1}^n A_j(q^{-1})^j$, $B(q^{-1}) = \sum_{j=1}^m B_j(q^{-1})^j$, $u(t) - (m \times 1)$ ўлчамли кириш, $y(t) - (l \times 1)$ ўлчамли чиқиш, $\xi(t) - (l \times 1)$ ўлчамли тасодифий кетма-кетлик.

Кўрсатиш мумкинки, барқарор ҳолатдаги оптимал огохлантиргич $\hat{z}(t) = \zeta(q)y(t)$ учун қуйидаги тенгламани қаноатлантиради:

$$\bar{C}(q^{-1})\hat{z}(t) = \bar{B}(q^{-1})u(t) + \bar{\alpha}(q^{-1})y(t),$$

бунда

$$\bar{C}(q^{-1}) = I + \bar{C}_1 q^{-1} + \dots + \bar{C}_n q^{-n}, \quad \bar{B}(q^{-1}) = \bar{\beta}_0 + \bar{\beta}_1 q^{-1} + \dots + \bar{\beta}_l q^{-l}, \quad \bar{\beta}_0 = V,$$

$$\bar{\alpha}(q^{-1}) = \bar{\alpha}_0 + \dots + \bar{\alpha}_r q^{-r}.$$

$\zeta(q)y(t)$ нинг $\zeta(q)y^*(t)$ га нисбатан ростлашнинг минимал ковариациясини таъминлайдиган ростлагич қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$\bar{B}(q^{-1})u(t) + \bar{\alpha}(q^{-1})y(t) = \bar{C}(q^{-1})\zeta(q)y^*(t),$$

бунда $\{y^*(t)\}$ берилган зарурий траекторияни ўзида акс эттиради; шунинг учун чиқиш $y(t) - y^*(t)$ ни кузатиш бўйича хатолиги қуйидаги тенгламани қаноатлантиради:

$$\bar{C}(q^{-1})\zeta(q)[y(t) - y^*(t)] = \bar{C}(q^{-1})F(q)\xi(t).$$

(10) моделни огохлантириш хатосидан бир қадам олдинги огохлантиргич деб қараш мумкин:

$$\xi(t) = y(t) - \hat{y}(t),$$

бунда

$$\hat{y}(t) = E\{y(t) | F_{t-1}\}.$$

(10) тенглама ёрдамида d қадам олдин огохлантириш хатосини қуйидаги айниятдан фойдаланиб олишимиз мумкин:

$$I = \tilde{F}(q^{-1})A(q^{-1}) + q^{-d}\tilde{G}(q^{-1}), \quad (11)$$

бунда

$$\tilde{F}(q^{-1}) = \tilde{F}_0 + \tilde{F}_1 q^{-1} + \dots + \tilde{F}_{d-1} q^{-d+1}, \quad \tilde{G}(q^{-1}) = \tilde{G}_0 + \tilde{G}_1 q^{-1} + \dots$$

(10) ни $\tilde{F}(q^{-1})$ га кўпайтириб ва (11) айниятдан фойдаланиб, куйидаги тенгламани ҳосил қиламиз:

$$E\{y(t+d) | F_t\} = \tilde{G}(q^{-1})y(t) + \Gamma_2(q^{-1})\xi(t) + \tilde{\beta}(q)u(t),$$

бунда

$$\tilde{\beta}(q) = q^d \tilde{F}(q^{-1})B(q^{-1}) = \tilde{\beta}_0 + \tilde{\beta}_1 q^1 + \dots + \tilde{\beta}_{d-1} q^{d-1} + \beta'(q^{-1}),$$

$$\beta'(q^{-1}) = \beta'_1 q^{-1} + \beta'_2 q^{-2} \dots, \quad \Gamma_2(q^{-1}) = \Gamma_{20} + \Gamma_{21} q^{-1} + \dots$$

$E\{y(t+d) | F_t\}$ ни нолга келтирадиган ва энг кичик энергияга эга бўладиган бошқариш қонунини куйидаги ифода орқали топиш мақсадга мувофиқ:

$$u(t+j) = -\tilde{L}_j [\tilde{G}(q^{-1})y(t) + \Gamma_2(q^{-1})\xi(t)], \quad j=0, \dots, d-1, \quad (12)$$

бунда

$$\tilde{L}_j = [\tilde{\beta}_j]^T \left[\sum_{k=0}^{d-1} \tilde{\beta}_k \tilde{\beta}_k^T + \alpha I \right]^{-1},$$

$\alpha > 0$ – мунтазамлаштириш параметри.

Келтирилган (12) субоптималь бошқариш қонунини (10) моделга кирган $A(q^{-1})$ ва $B(q^{-1})$ матрицаларни бирор бир алгоритмдан фойдаланиб, адаптивга айлантириш мумкин.

Оптималь адаптив системалар назариясида объектга тегишли қатор жиддий параметрлар ва омиллар номаълум бўлган шароитлар учун динамик объектларни бошқариш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бундай ҳолларда бошқаришнинг локаль-оптималь алгоритмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Динамик объектни локаль-оптималь бошқариш куйидаги тенгламалар билан ифодаланади:

$$x_{t+1} = Ax_t + Bu_t + \xi_{t+1},$$

$$y_t = H^T x_t, \quad t=0, 1, \dots,$$

бу ерда $x_t \in R^n$ – ҳолат вектори; $u_t \in R^m$ – бошқариш таъсирлари; $y_t \in R^l$ – кузатиладиган чиқиш; A, B, H – тегишли ўлчамдаги матрицалар; ξ_1, ξ_2, \dots – $V(x) = x^T C x$, $C^T = C \geq 0$ мезонга жавоб берадиган тасодифий векторлар кетма-кетлиги бўлиб, куйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$u_t^* = \underset{u_t}{\operatorname{argmin}} E[\Delta V(x_t, u_t) / x_t^0, u_t^0],$$

бунда $\Delta V(x_t, u_t) = V(Ax_t, Bu_t) - V(x_t)$.


$$E(\xi_{t+1} / x_t^0, u_t^0) = 0, \quad E(\xi_{t+1} \xi_{t+1}^T / x_t^0, u_t^0) = K = \text{const} \quad \text{шарт} \quad \text{бажарилганда}$$

бошқариш u_t^* ни куйидаги тенгламадан аниқланади:

$$B^T C B u_t^* = -B^T C A x_t, \quad (13)$$

шунинг учун $\Delta V(x_t, u_t^*) = -x_t^T Q x_t$, $Q = C - A^T C A + A^T C B (B^T C B)^{-1} B^T C A$.

Шундай қилиб, (13) асосида бошқариш u_t^* куйидаги кўринишга эга бўлади:



$$u_i^* = \theta^T x_i,$$

бунда θ^T куйидаги ифода орқали топилади:

$$B^T C B \theta^T = -B^T C A. \quad (14)$$

